



## THE CONCEPT AND MAIN CHARACTERISTICS OF THE PUNISHMENT: MANDATORY COMMUNITY WORK

**Azbergenova Munira Charjawnva**

Student of Karakalpak State University

[muniraazbergenova5@gmail.com](mailto:muniraazbergenova5@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11190460>

### ARTICLE INFO

Received: 06<sup>th</sup> May 2024

Accepted: 13<sup>th</sup> May 2024

Online: 14<sup>th</sup> May 2024

### KEYWORDS

*Criminal punishment, penal system, compulsory community service, minor, legal norm, judicial statistics.*

### ABSTRACT

*This article describes in detail the introduction of mandatory community service punishment into the criminal punishment system of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, the concept of punishment, and its role in the punishment system. At the same time, the procedure for applying this type of punishment to minors, issues related to the existence of grounds for applying the punishment, and crime statistics were analyzed.*

## МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗО: ТУШУНЧАСИ ВА АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Азбергенова Мунира Чаржаўвна**

ҚДУ талабаси

[muniraazbergenova5@gmail.com](mailto:muniraazbergenova5@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11190460>

### ARTICLE INFO

Received: 06<sup>th</sup> May 2024

Accepted: 13<sup>th</sup> May 2024

Online: 14<sup>th</sup> May 2024

### KEYWORDS

*Жиноий жазо, жазо тизими, мажбурий жамоат ишлари, вояга етмаган шахс, қонунчилик нормаси, суд статистикаси.*

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг жиноий жазо тизимига мажбурий жамоат ишлари жазосининг киритилиши, жазо тушунчаси, унинг жазо тизимида тутган ўрни ҳақида батафсил ёритилган. Шу билан бирга, вояга етмаган шахсларга нисбатан ушбу жазо турини қўллаш тартиби, жазони қўлланилиши учун асосларнинг мавжудлигига доир масалалар баён этилган ҳамда жиноятчилик статистикаси таҳлил қилинган.*

Бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида ҳар бир давлат жаҳон талабларини инобатга олиб, халқаро стандартларга мос равишда ўз қонунчилигида муҳим ўзгаришларни амалга ошириб келмоқда. Миллий қонунчилигимизда шундай муҳим ўзгаришларнинг бири жиноят-ҳуқуқий қонунчилигининг жиноий жазоларни қўллаш соҳасидаги ислоҳотларидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари замирида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, айниқса



уларнинг жиний жавобгарлигига оид нормаларни янада либераллаштириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Жиний қонунчилигимиздаги вояга етмаганларга нисбатан қўлланадиган жазо тизимининг асосий вазифаси вояга етмаган шахсларни фақатгина содир этган жиний учун жазолашга йўналтирилиб қолмасдан, балки шахсни қайта тарбиялаш, у содир этган жинийнинг мохиятини тушинтиришга қаратилган.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4850-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда: суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланиши, жумладан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтиришни, вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиний жазоларни либераллаштириш назарда тутилган эди [1].

Мазкур фармон асосида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги қонуни имзоланди [2]. Мазкур қонун асосида жиний қонунчилигимизга айбдор шахсга жазо белгилашда жазонинг тури ҳамда миқдорини, жинийнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини инобатга олган ҳолда янги турдаги муқобил жазо Ўзбекистон Республикасининг Жиний кодексининг жазо тизимига «Мажбурий жамоат ишлари» тариқасидага жазо чораси киритилди ва 45<sup>1</sup> ҳамда 82<sup>1</sup>- моддалари Мажбурий жамоат ишлари дея номланди.

Миллий қонунчилигимизга мувофиқ вояга етмаган шахсларга мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони қўллаш тартиби Жиний кодексининг 82<sup>1</sup>- моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ мажбурий жамоат ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан олтмиш соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланади. Мажбурий жамоат ишлари вояга етмаганларнинг соғлиғига ва маънавий жиҳатдан ривожланишига зарар етказмаслиги, ўқиш жараёнини бузмаслиги лозим.

Мажбурий жамоат ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан қўлланиши мумкин.

Мажбурий жамоат ишлари маҳкуми ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир. Агар маҳкум доимий иш ёки ўқиш жойига эга бўлган бўлса мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади [3,Б-435].

Вояга етмаган маҳкум мажбурий жамоат ишларига жалб қилинганда ишларнинг турлари ва мазмуни қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

➤ иш вояга етмаганларнинг қўлидан келадиган (кучи етадиган) бўлиши шарт;



➤ иш мақбул ишчанлик қобилиятини, фойдали ҳаётий кўникма ва билимларни ривожлантиришга имкон яратиши лозим [4].

Маҳқумнинг мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг аниқ турлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг таклифига кўра ички ишлар органи томонидан маҳқум яшайдиган ҳудудда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги «Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақидаги низомни ҳамда мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 346-сонли қарорининг 2-иловасида мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхати кўрсатилган. Унга муофик мажбурий жамоат ишларига ҳуқум қилинган вояга етмаган шахслар қуйдаги ишларга жалб қилиниши мумкин: шаҳарлар, туманлар, посёлкалар, дам олиш зоналари, спорт ва болалар майдончалари, тарихий-архитектура ёдгорликлари, қабристонларни ободонлаштириш, қурилиш-монтаж ишлари, юк ортиш-тушириш ишлари, соғлиқни сақлаш тизимидаги ишлар, халқ таълими тизимидаги ишлар, мева-сабзавот базаларидаги ишлар, иккиламчи хомашёларни тайёрлаш ва топшириш бўйича ишлар.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар томонидан мажбурий жамоат ишларини бажариш муддати, агар қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, олти ой давомида кунига икки соатдан ошмаслиги, маҳқумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига икки соатдан ошмаслиги керак.

Агар вояга етмаган маҳқум томонидан ўталадиган мажбурий жамоат ишлари вақти дам олиш кунлари ва маҳқум ўқишда ёхуд асосий ишда банд бўлмаган кунлари уч соатдан, иш кунлари, ўқув дарслари (машғулотлар) ўтказиладиган кунлари эса, икки соатдан, бироқ ҳафтасига уч кундан ошмаслиги лозим [5].

Мажбурий жамоат ишларига ҳуқум қилинган вояга етмаган шахс ўн кун ичида ўз яшаш жойидаги жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга турмаган, шунингдек жазони ўташдан бўйин товлаш мақсадида яширинган маҳқум; ёзма огоҳлантириш олганидан сўнг, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлмаса-да, мажбурий жамоат ишларида бир ой давомида икки мартадан кўп иштирок этмаган маҳқум; ёзма огоҳлантириш олганидан сўнг мажбурий жамоат ишларини ўташ жойидаги (объектидаги) ташкилотнинг ички меҳнат тартиби қоидаларини бир ой давомида уч мартадан кўп бузган булса мажбурий жамоат ишларини ўташдан бўйин товлочилар деб эътироф этилади. Ҳамда Жиноят кодекси 82<sup>1</sup>-моддаси учунши қисмига муофик суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради.

Ҳулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, вояга етмаганларга нисбатан мажбурий жамоат ишлари таризидаги жазонинг тайинланиши вояга етмаган шахсларни ўз оиласи ва жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш, ўз хатти-



ҳаракатларининг моҳиятини англашлари ва келажакда янги жиноят содир етишининг олдини олиш мақсадига эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

## References:

1. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 21.10.2016 йилдаги ПФ-4850-сон <https://lex.uz/docs/3050491> (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда)
2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча сора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 29.03.2017 йилдаги ЎРҚ-421-сон <https://lex.uz/docs/3146366> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон)
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм/ М.Рустамбоев.-Тошкент:«Yuridik adabiyotlar publish»,2021.-740 б.
4. Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақидаги низомини ҳамда мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 08.05.2018 йилдаги 346-сон <https://lex.uz/docs/3731125> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроя кодекси <https://lex.uz/mact/163629> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.02.2024 й., 03/24/915/0160-сон)